

Абдунаби Абдиевнинг бири биридан долзарб мавзуларни камраган кўплаб маколаларини ўқиб, ўзимга керакли хулосаларни олганман. “Мукофот учун ёзилаётган “асарлар” эса менга энг манзури бўлди. Сабаби, худди шу ўй менинг кўнглимдан ҳам кечган. Узок йиллар олдин. Мукофот учун ёзиш...

Туркия давлатининг мадҳияси салкам юз йил аввал ёзилган. Мана, бир асрга яқинлашибди ҳамки, мадҳия ўша-ўша. Юз йил ичида давлат раҳбарлари неча бор алмашганини Туркия тарихини яхши биладиганлар айтишлари мумкин. Аммо не хайратки, бир аср аввал ёзилган мадҳиядан ўтказиб хали-хануз ҳеч ким мадҳия ёзолмабди. Сабаби нимада экан? Сабаби, асарнинг мукофот учун ёзилмаганлигида!

Йигирманчи асрнинг бошларида Туркия давлат мадҳиясини ёзиш мақсадида танлов эълон қилинади. Мусобақада етмишдан зиёд шоирларнинг шеърлари иштирок этади. Аммо ҳеч бири ўқувчи юрагига Ватан, Миллат муҳаббати бўлиб санчилмайди. Ёзилган мадҳиялардан кўнгли тўлмаган танлов хайъати Мехмет Акиф Эрсойга мурожаат қиладилар. Аммо миллати, юрти равнаки учун керак бўлса, жонини беришга тайёр бўлган шоир хайъатни хайратга солиб: “Мен арзимаган пул учун шеър ёзмайман!” дея рад қилади. Ундан қутилмаган бу жавоб барчани таажжубга солади. Ахир, мукофот учун оз эмас, кўп эмас, нақ 500 лира тикилган эди-да!

Нихоят унга: “Мусобақада голиб бўлсангиз ҳам мукофот пули берилмайди”, дея ваъда беришгач, мадҳия ёзишга кўл уради. 1921 йил 1 март куни ёзиб тугалланган мадҳия шу йилнинг 12 март куни расман эълон қилинади.

“Истиклол мадҳияси”ни айтиш жоиз бўлса, юрагининг қони билан ёзган миллатпарвар шоир Мехмет Акиф Эрсой: “Мукофот пули? Нима учун?” деган саволига: “Миллатни ватанпарварликка чакирган оташин мадҳиянгиз учун!” деган жавобни оларкан, “Ватаним, Миллатим, Халким учун ёзган шеъримга мукофот таъма қилсам, мен қандай шоирман? Ватан мадҳияси сотилмайди. Сабаби, унинг баҳоси йўқ...” дея мукофот пулидан воз кечади...

Аммо, “Биз бу пулларни эгасига етказмоғимиз шарт. Олиб, бизни қийин ахволдан қутқаринг”, дея шоирга мажбуран 500 лирани топширадилар. У эса “Дор-ул Масоий” номли хайрия жамиятига ўтказди.

Мен бу маълумот билан талабалик йилларимдаёқ танишган эдим. Ва қалбимдан кечган тўлкинли туйгулар хусусида нимадир ёзишни ўшандаёқ кўнглимга туггандим. Ана шу тугун бугун ўзбек адабиётининг бир фидойиси қаламидан тўкилган оташин сўзлар сеҳридан ечилиб кетди. Бунинг учун Абдунаби Абдиевга миннатдорчилик билдираман. Хукмингизга қарийб бир асрни бўйлаб қўйган ўша машҳур мадҳиядан парча таржима қилиб хавола қилишни лозим деб билдим. Аммо таржима аслиятдек бўлолмаслигини ҳисобга олишингизни сўрайман:

Дўстим! Юртимга босқинчиларни йўлатма, асло!
Калкон қил қўксингни, қирмасин бу хаёсиз оқим.
Албатта қелгай, ваъда қилган қунлари Хакнинг,
Қим билсин, балки эртага, балки ундан-да яқин!..

Босган ерларингни “Тупрок!” дея ўтма, тани!
Ўйла, ер остида мингларча кафансиз ётганни.
Сен шахид ўглисан, ранжитма асло отангни,
Берма! Дунёларни олсанг ҳам, бу Жаннат Ватанни!

Ким бу Жаннат Ватани учун бўлмаски, фидо?!
Шахидлар фарёд этар, тупрокни сиксанг, шахидо!
Жоним, жононим, бутун боримни олсин-да, Худо,
Этмасин мени асло, Ватанимдан жудо!..

Одоб илми бўлмиш хақиқий адабиётимиз учун ижод қилаётганларнинг асарлари асрлар оша яшаб қолажак. Бир аср нима экан, беш асрдан буён назм саройини титратиб қелаётган “занжирбанд шер”нинг наъраси — “Хамса” қайси мукофот учун ёзилган эди?.. Ёзайлик, керак бўлса, юрагимизнинг қони билан ёзайлик! Аммо ёзганларимиз фақат мукофот учун эмас, Миллатимиз равақига ҳисса қўшиш учун бўлсин. Асарларимиз юртимиз эртаси бўлган ёшларимизнинг тарбиясига хизмат қилсин, қелажақига мустақам пойдевор бўлсин.
Ёзганларимизни ўқиб, юраги сел бўлган Халқимиз ҳаққимизга дуолар қилсин.
Шунинг ўзи мукофот эмасми, АЗИЗЛАР?!

Гулбахор АБДУЛЛОХ